RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Энг улуғ, энг азиз байрамингиз қутлуғ бўлсин!

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 30 август, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 68 (7263)

Da'vat

Биз фақат Мустақиллик туфайлигина ўз заминимизга, эркимизга, муқаддас динимизга қайта эга бўлдик. Қолаверса, бизни фақат Мустақилликдан кейингина дунё таниди, тўла тан олди.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Уйчи туманидаги "Ал-Жаҳон" ўзбек-хитой хусусий қўшма корхонаси 15 миллион сўм маблағ сарфлаб, Яккатут маҳалласи кичкинтойлари учун 120 ўринли боғча қуриб берди. Боғча жамоанинг болаларга байрам совғаси сифатида тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

"ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ" УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлат ва халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, ислоҳотларни амалга оширишдаги фаол иштироки ва қаҳрамонона меҳнатлари учун қуйидагиларга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилиб, олий нишон — "Олтин юлдуз" медали топширилсин:

Аблакулов Хазрат — Гиждувон тумани С.Айний номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Бухоро вилояти.

Джуманиязов Бекдурди — Хива тумани "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Хоразм вилояти.

Жўраев Юрсинбой — Олтиариқ тумани Б.Отақулов номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Фарғона вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 август.

Аблакулов Хазрат

Джуманиязов Бекдурди



Жураев Юрсинбой

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўққиз йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи мукофотланди. Мукофотланганлар орасида таълим ва фан соҳасининг чинаккам жонкуярлари ҳам талайгина. Қуйида ана шу муносиб инсонлар билан танишинг:

«Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий маънавиятни, маданиятни юксалтириш, юртимизнинг халқаро нуфузини янада ошириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, ўз ижоди, илмий фаолияти, ватанпарварлиги билан обрў-эътибор қозонгани, фан, таълим, адабиёт, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт ва бошқа ижтимоий соҳаларда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётгани, эл-юртга халол хизмати сингганини эътиборга олиб ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун» қуйидагиларга фахрий унвонлар берилди:

«Ўзбекистон Республикаси фан арбоби»

Алибеков Лапас – Самарқанд давлат университетининг кафедра мудири, география фанлари доктори, профессор

Рўзибоқиев Руслан Маҳмудович – Ўзбекистон Фанлар академияси Иммунология институти директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ҳожиев Азим – Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бош илмий ходими

«Ўзбекистон ифтихори»

Авазов Бахром Бекназарович – Қарши давлат университети жисмоний тарбия ўқитувчиси, халқаро тоифадаги спорт устаси

Маҳмудов Махтумқули Худойбердиевич – Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари Жисмоний тарбия-спорт жамиятининг самбо спорти мактаби мураббийси, халқаро тоифадаги спорт устаси

Қосимжонов Рустам Машрукович – Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг шахмат бўйича спортчи-йўриқчиси, халқаро тоифадаги спорт устаси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Абдуалибекова Кимия – Тошкент вилояти Қибрай тумани 1-касб-ҳунар лицейи ўқитувчиси

Абдуллаева Мунаввара – Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институти доценти

Абдураҳмонов Ғофур Муҳаммеджонович – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти, рассом, филология фанлари номзоди

Бобохўжаев Марат Абдусаматович – Тошкент давлат Шарқшунослик институти кафедра профессори, тарих фанлари доктори

Газиева Диляра Исраиловна – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети кафедра мудири

Игамбердиев Хусан Закирович – Тошкент давлат техника университети профессори, техника фанлари доктори, профессор

(Давоми 2-бетда)

САРҲИСОБ

"Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш" — "Учинчи минг йилликнинг боласи" дастури 500 га яқин мактабгача таълим муассасаларида тажриба-синовдан ўтказилди. Янги ўқув йилидан бошлаб мактабгача таълим муассасалари ушбу дастур бўйича иш бошлайди.

***

Жойлардан олинган тезкор маълумотларга кўра, республика бўйича жорий йилнинг январидан бошлаб, то шу кунга қадар 12108 ўқувчига мўлжалланган 42 та янги мактаб бинолари ва мавжуд мактабларга қўшимча бинолар қурилди. Қувончлиси, шулардан 8166 ўринли 20 таси республика бюджети ҳисобидан, 4200 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 22 таси — янги мактаб ва мактабларга қўшимча бинолар қуриш ва фойдаланишга топшириш оталиқ, ҳомий ташкилотлари, хусусий тадбиркорлар ҳамда фермерлар томонидан амалга оширилди.

***

1998 йилнинг ўзида республикамизда янги турдаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг 35 таси тажриба тариқасида ташкил этилган бўлса, 1999 йилда бу кўрсатгич яна 117 тага кўпайди. Бундан 15 таси академик лицей бўлса, 102 таси касб-ҳунар коллежларидир.

2000 йилда эса академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг жами 189 та объекти фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Улардан 51 таси тубдан янги қурилишдир. Ушбу таълим муассасаларида 118 минг 235 та ўқувчи ўрнининг ташкил қилиниши кўзда тутилмоқда.

ВАТАН! ЎЗБЕКИСТОН! ОНА!

3-бет

Mustaqillik mevasi

БАЙРАМГА ЭГИЗ БАХТ

Одатдаги иш кунларидан бирида таҳририятимизга бир киши кириб келди. Кўринишидан нимадандир хурсандлиги сезилиб турар эди. Салом-аликдан сўнг, албатта, ташриф сабабини сўрадик.

—Пайариқдан келдим. Тумандаги С.Йўлдошев номидаги 18-ўрта мактабнинг маънавият ва маърифат ишлар бўйича директор муовини Шакарбой Ёдгоров бўламан, - дея сўз бошлади меҳмонимиз. —Хурсандчилигимни баҳам кўргани таҳририятингизга келдим. Сабаби, шу йил уч ўғлим — эгизакларим Тоҳиржон ва Зоиржонлар ҳамда уларнинг укаси Фазлиддинжонлар олий ўқув юрти талабалари бўлишди. Эгизакларим икки йилдан бери контрактга "тушиб" қолар эди. Бу йил Тоҳиржон ўғлим Самарқанд тиббиёт институтининг педиатрия факультетига юқори балл билан иккинчи ўринда қабул қилинди. Зоиржон ўғлим эса Ўзбекистон Миллий университети тарих факультетига контракт-шартнома асосида кирди. Бу ўғлимнинг учинчи уриниши ҳам контрактга тушди. "Майли, ўқисин" дедим. Фазлиддинжон ҳам II Тошкент давлат тиббиёт институти санитария факультети талабаси бўлди.

—Табриклаймиз. Бундай натижалар оила ва мактаб даражасини кўрсатувчи омил ҳисобланади. Мана ўзингиз ўқитувчи экансиз. Эгизакларингизнинг биринчи уриниши муваффақиятсиз бўлганидан кейин уларни ўзингиз тайёрладингизми?

(Давоми 2-бетда)

МУСТАҚИЛЛИК ИЗЛАНИШУ ИЖОДКОРЛИККА ИМКОН БЕРДИ

Манбалардан бирида "Муаллим замонлар занжирини боғлагувчи халқадир", дейилади. Бу — ҳақиқат. Ўқитувчининг меҳнати ҳар қайси вақтлар ҳам замон ва макон инъикоси бўлиб келган. Биз, янги замон кишилари эса бу кун ўз илмимизни бош узра тутиб, сўнг чароғон келажак ва улкан мўъжизалар асри томон одимлаймиз. Янги аср ҳам, янги давр ҳам бизники. Зеро, эртанги кунлар моҳиятини юксак иқтидор, теран тафаккур ва эзгу амалларимиз белгилайди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" эса улуғ мақсадларимиз йўлидаги маёқдир! Ана шу икки тарихий ҳужжат асосида иш юритиш, ёш авлодни билимдон қилиб вояга етказиш ҳамда уларни янги асрга тайёрламоқ учун бугунги муаллим қандай бўлиши керак? Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги Усмон Носир номидаги 241-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Олтиной Акабоева билан сухбатлашаётиб, шу саволни ўртага ташладим.

— Ўқитувчилик — фидойилик дегани. Мен узоқ йиллик иш тажрибам давомида шунга амин бўлдим, — дейди Олтиной опа. – Агар биз фидойилик фазилатини фаолиятимизнинг илк кунлариданоқ такомиллаштира борсак, жамиятнинг олдимизга қўйган юксак талабларини тўла-тўкис адо этишимиз осон кечади. Баъзиларнинг назарида бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаш жуда осондек туюлади. Бир тўда болакайларга гўёки алдаб-сулдаб ҳарф ўргатасиз, вассалом. Аслида ҳам шундайми? Йўқ. Кечагина боғча қўйнидан ёки ота-онаси бағридан чиқиб келган кичкинтойни мактаб ҳаётига ўргатиш, унга билим бериш, катта ҳаётга тайёрлашнинг ўзига хос масъулияти бор! Чунки бошланғич синфда боланинг нафақат дунёқараши, балки илм савияси, инсонийлик хислатлари ва маънавияти асослари ҳам шаклланади.

(Давоми 2-бетда)

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган адабиёт ва санъат усталарини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

• "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқди.

• Вазирлар Маҳкамасининг "Ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофотини таъсис этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинганидан сўнг, Маданият ишлари вазирлигида мазкур мукофотга тавсия этилган номзодларнинг ижодий ишларини кўриб чиқувчи Кенгашнинг илк йиғилиши бўлиб ўтди.

• Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Осиё Олимпия Кенгаши Ижроия Қўмитаси йиғилиши қатнашчиларига ҳамда Тошкент—Ўш автомобиль йўлининг Қамчиқ ва Резак довонларидаги туннеллар қурилиши қатнашчиларига мактублари, шунингдек, ушбу туннеллар қурилишида алоҳида ўрнак кўрсатган бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги Фармони чоп этилди.

• "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

• Бугун ўз ишини бошлаётган Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси олдидан Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларида йиғилишлар бўлиб ўтди.

• АҚШ президенти Билл Клинтон СПИД ҳамда сил касалликлари билан курашиш мақсадлари учун 100 миллион доллар ажратиш ҳақидаги қонунга имзо чекди.

• Араб Давлатлари Лигаси Бош котиби Исмат Абдулмажид Сомалида ўтиш даври парламентининг ташкил этилиши мамлакатда миллий тотувлик ўрнатиш йўлида муҳим қадам бўлади, деб баёнот берди.

Қачондир сендан сабоқ олган ўқувчи ҳаётда ўз ўрнини топса, жамият юкига елка тутиб, эл-юрт олқишини олса... Сенинг меҳнатинг самараси эмасми, бу! Буни ҳис этишнинг ўзиёқ ўқитувчи учун улкан бахт-ку!

Дарҳақиқат, китобни ошно тутганлар, ҳеч қачон кам бўлмайди. Айниқса, бугунги кунимизда бу кўз ўнгимизда, кўнглимизда намоён.

МУКОФОТ МУБОРАК!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Исабоева Замирахон Маҳкамовна – Андижон Молия-иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси

Исломова Мубашира – Навоий вилояти Карма-на туман касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Калонова Ибодат Мирзаевна – Самарқанд тиббиёт касб-ҳунар коллежи бўлим мудири

Курбаниязов Рустам – Урганч давлат университети кафедра мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент

Маракаев Рим Юсупович – Тошкент Архитектура қурилиш институти кафедра профессори, техника фанлари номзоди

Музаффарова Людмила Менисламовна – Наманган давлат университети жисмоний тарбия кафедраси катта ўқитувчиси

Низаметдинова Мисбоҳат Анваровна – Тошкент давлат Техника университети қошидаги академик лицейи ўқитувчиси

Парахатова Перуза – Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани 12-сон касб-ҳунар лицейи ўқитувчиси

Соколов Валерий Константинович – Тошкент Электротехника алоқа институти профессори, техника фанлари доктори

Султонов Номозбой Тошмирзоевич - Самарқанд давлат Меъморчилик қурилиш институти кафедра мудири, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор

Турдиев Голибжон Солиевич – Фарғона вилояти Бешариқ тумани қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори

Уразбоев Исматулла Умматович – Гулистон давлат университети кафедра мудири, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент

Фозилова Муҳаббат – Жиззах вилояти О.Олимжонов номидаги касб-ҳунар лицейи ўқитувчиси

Холмуродов Холмўмин – Сурхондарё вилояти Сариосиё туман қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори, биология фанлари номзоди

Шаропова Анисахон Ходжаевна – Бухоро давлат Тиббиёт институти кафедра мудири, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Эргашев Абдиолим – Қарши давлат университети доценти, филология фанлари номзоди

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

Акбаров Азимжон – Тошкент Темир йўл транспорти муҳандислари институти кафедра мудири, техника фанлари номзоди, профессор

Исаков Тўлқин – Фарғона шаҳар саноат касб-ҳунар коллежининг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Йўлдошев Баҳодир Жўраевич – Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 2-академик лицей директори

Кимсанбаев Хўжамурод Ҳамроқулович – Тошкент давлат Аграр университети кафедра мудири, биология фанлари доктори, профессор

Колосова Ольга Александровна – Тошкент вилояти Олмалиқ тоғ мўъдончилик техникуми директори

Насимов Ҳусан Абдураҳмонович – Самарқанд давлат университети қошидаги академик лицей ўқитувчиси

Раҳимова Тўра – Ўзбекистон Миллий университети кафедра мудири, биология фанлари доктори, профессор

Тешабоев Алишер – Андижон давлат университети профессори, физика-математика фанлари номзоди

Тогунова Надежда Петровна – Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти доценти, техника фанлари номзоди

Хуррамов Шукур Хуррамович – Термиз давлат университети кафедра мудири, биология фанлари доктори, профессор

Мамлакатимизда фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришдаги катта хизматлари, истиқлолни мустаҳкамлаш, халқимизнинг илм-зиё салоҳиятини, маънавиятини юксалтириш ҳамда юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотланди:

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Алимов Фарҳод Ғуломович – Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси доценти

Аҳмедов Ашраф – ЮНЕСКО қошидаги Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти директори, тарих фанлари доктори

Валихўжаев Ботирхон Набирахўжаевич – Самарқанд Давлат университети кафедра мудири, академик

Негматов Сойибжон Содиқович – Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги қошидаги «Фан ва тараққиёт» илмий-технология мажмуининг раиси, академик

Раҳимов Ғиёсжон Нишонович – Шоличилик илмий-тадқиқот институти директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Мамлакатимизда жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтиришга катта ҳисса қўшгани ҳамда уларни Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат ғоялари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун» таълим муассасалари ходимларидан қуйидагилар мукофотландилар:

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Турдиалиева Маҳкам – Қарши шаҳар болалар мурувват уйи энагаси

Усманхўжаева Дилором – Тошкент шаҳар 1-мурувват уйи энагаси

Шодиева Санобар Ёқубовна – Республика болалар ижодиёти маркази раҳбари

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Абдуллаева Шоира Каримовна – Республика олимпия ўринбосарлари билим юрти директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи ўринбосари

Баракаев Раҳматулла – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий котиби, филология фанлари номзоди

Чжен Варвара Сергеевна – Тошкент шаҳар мурувват уйи ҳамшираси

«Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохотлардаги фаол иштироки, ёш авлод онгига миллий истиқлол ғояларини сингдириш, уларни Ватанга, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссаси учун» таълим тизими ходимларидан қуйидагилар мукофотланди:

«Шуҳрат» медали билан

Абдумавлянова Венера Шокировна – Иккинчи Тошкент давлат Тиббиёт институти илмий-ахборот кутубхонаси бўлим бошлиғи, кимё фанлари номзоди

Бекназаров Жуманазар – Тошкент Педиатрия тиббиёт институти доценти

Маҳмудов Голиб Насимжанович – Тошкент Автомобиль йўллари институти кафедра мудири

Носиров Ўткир Фатидинович – Навоий давлат Кончилик институти кафедра мудири, техника фанлари номзоди, доцент

Сайдимов Якуббай Атабоевич – Ўзбекистон Миллий университети қошидаги академик лицей физика-информатика кафедраси мудири, физика-математика фанлари номзоди

Ҳамракулов Ҳазраткул – Жиззах давлат Политехника институти катта ўқитувчиси

Шатерников Эрнест Константинович – Ўзбекистон давлат Жисмоний тарбия институти кафедра мудири, фалсафа фанлари номзоди, профессор

Куронов Муҳаммад – Республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлим мудири, педагогика фанлари доктори

МУСТАҚИЛЛИК ИЗЛАНИШУ ИЖОДКОРЛИККА ИМКОН БЕРДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Яъни, ўқувчининг билим савияси ўқитувчининг савиясига мос ҳолда ўсиб боради. Қаранг, бирор ҳунарманд сифатсиз буюм ясаб чиқарсаю бундан ўзи хижолат тортса, кейинчалик ўша буюмни у қайтадан сайқаллаши мумкин бўлади. Лекин муаллим ўқувчига сифатсиз таълим-тарбия берса-чи? Унинг бу иши тузатиб бўлмас хатоларга олиб келмайдими, ахир! Шундай экан, бу кун ўқитувчи ҳар қандай вазиятда ҳам хатога йўл қўймаслиги шарт.

— Олтиной опа, Сизнингча, истиқлолимиз бугунги ўқитувчига нима берди?

— Ўзлигимиз ўзимизга қайтди. Қадриятларимиз тикланди. Тарихимизни ўрганиб, миллий қаҳрамонларимизни танияпмиз. Орадан минг йиллар ўтган бўлса-да, Алпомишнинг кимлигини чин маънода бугунги кунларга келиб билдик. Эндиликда Жалолиддин Мангубердининг жасорати ҳақида фахрланиб гапираяпмиз. Бундай қаҳрамонларимиз озмунчами, ахир? Уларнинг матонатли ҳаёти, ботирлигию эл-юртга садоқат туйғулари бугунги ўқувчиларни ҳаяжонга солмоқда, юрагида шижоат уйғотмоқда. Истиқлол боис, биз ўз фикримиз, ўз сўзимизга эга бўлдик.

Дарс жараёнидаги мавзуларимиз ранг-баранг, таълим-тарбиямиз чинакам шарқона. Яйраб-яйраб ишлайдиган пайт келди. Ўқувчиларни айтинг, нигоҳлари тийрак, сўзлари бурро. Ҳар сабоқни дарров илғайди, фикр юритади, мушоҳада этиб, хулоса чиқаради. Бугуннинг болаларини ёлғон ғоялар билан алдаб бўлмайди. Рост сўз билангина уларнинг ишончини қозониш мумкин! Масалан, мен сўзлаб берадиган ҳикоя ўқувчиларим ҳаётида ёки телеэкранда кўрадиган кундалик воқеалардан кўра қизиқроқ ва янгичароқ бўлмоғи керак. Дарс давомида мен танлаган арифметик масала эса улар ўз уйларидаги жажжи компьютерларида ечадиган масаладан мураккаброқ бўлиши зарур. Демак, мен бу учун доимо изланишим, ўзимни кунба-кун камолга етказишим лозим. Мустақиллик биз педагогларга ана шундай изланишу ижодкорликка имкониятларни берди.

— Ўқитувчилик касби, салоҳияти ҳақида нималар дея оласиз?

— Ўқитувчилик нақадар қийин касб бўлмасин, у шу қадар шарафли ҳамдир. Қачондир сендан сабоқ олган ўқувчи ҳаётда ўз ўрнини топса, жамият юкига елка тутиб, эл-юрт олқишини олса... Сенинг меҳнатинг самараси эмасми, бу! Буни ҳис этишнинг ўзиёқ ўқитувчи учун улкан бахт-ку! Менга ана шу умид-орзулар қувват беради, ишга, ижодга илҳомлантиради.

Суҳбатдош: Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

БАЙРАМГА ЭТИЗ БАХТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

—Очиғи, бугунги кунда кўпчилик болалар кўчага чиқишга мойилроқ: мақтаниш эмасу, мен ўғилларимни китоб ошноси қилиб тарбияладим ва мана, меҳнатларим самарасини беряпти. Бизнинг мактабимиз тумандаги илғор мактабларидан. Ўтган йили мактабимиз битирувчилари олийгоҳларга кириш бўйича (35 нафар) туманда биринчи, вилоятда тўққизинчи ўринни эгаллаган эди. Бу йилги битирувчиларнинг ҳам 30 нафарга яқини талаба бўлишди. Кўплаб фан номзодлари, фан докторлари етишиб чиққан мактабимизда бугунги кунда 1000 дан ортиқ ўқувчи бўлиб, уларга 100 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бериб келмоқда.

Ўзим француз тили ўқитувчисиман. Фарзандларимга қўшни Иштихон туманилик химия-биология ўқитувчиси Раҳмон Бердиқулов репетиторлик қилди. Фурсатдан фойдаланиб, у кишига ўз миннатдорчилигимни билдирсам. Шунингдек, илғор, ёш ўқитувчилар Шавкат Шамсиев (она тили ва адабиёти ўқитувчиси), Аллаёр Умаров (химия-биология ўқитувчиси)ларнинг ҳам хизмати катта бўлди. Айтиш керакки, ўқувчиларнинг бу йилги муваффақиятлари Самад Салимов раҳбарлик қилаётган мактабимизга Соғлом авлод йилидаги ўзига хос туҳфа бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳалигача тестга шубҳа билдирувчилар учрайди. Ваҳоланки, фанни чуқур ўзлаштирган (фақат ёдламасдан) ҳар қандай ўқувчи ҳар қандай олийгоҳга кира олади. Буни исботловчилар кўп.

Дарҳақиқат, китобни ошно тутганлар ҳеч қачон кам бўлмайди. Айниқса, бугунги кунимизда бу кўз ўнгимизда, кўнглимизда намоён.

Шерали НИШОНОВ

Istiqlolim — iqbolim

"БУЛБУЛ УШЛАГАН БОЛА"

Муҳиддин ва Розахонлар оиласида қувончли воқеа юз берди — ўғиллари Суҳроб Кенжаев "Ўзбекистон — Ватаним маним" республика кўрик-танловида фахрли 2-ўринга сазовор бўлди. Суҳроб Навоий шаҳридаги Абу Райҳон Беруний номли 2-мактабнинг 7-синфида аъло баҳоларга ўқиш билан бирга, шаҳардаги Глинка номли санъат мактабининг 5-синфида скрипкадан устози Людмила Назаренкодан таҳсил олади. У Фарҳод маданият саройидаги "Ширин" ашула ва рақс дастасининг фаол қатнашчиси ҳамдир. Унинг ота-онаси санъатсевар кишилар бўлиб, Суҳробнинг жуда ёшлигиданоқ санъатга қизиқишини тез англашган ва уни санъат остонасига олиб келганлар. Суҳробнинг акалари ҳам бири композитор, бири доирачи, яна бири ажойиб куйлар басталайди. У жуда ёш бўлишига қарамасдан хорижий давлатларга ижодий сафар қилишга ҳам улгурди.

Яқинда у Белоруссияда бўлиб ўтган "Славян бозори" фестивалига бориб, Япония, Латвия, Литва, Грузия, Исроил, Россия каби йирик давлатлардан ўзига қадрдон дўстлар орттириш билан бирга фестивалнинг 1-ўрин совриндори бўлиб қайтди. "Славянлар бозори" фестивалида Ўзбекистондан биринчи маротаба қатнашиб олий ўринга сазовор бўлган бу ёш йигитча Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришга эришиб, ўз она юрти ва устозларининг ишончини оқлади.

Фестивал "энг яхши цирк ўйини", "энг яхши кийим учун" ва "энг яхши қўшиқ учун" йўналишларида бўлиб ўтди. "Энг ёқимли овоз соҳиби" деб ўзбекистонлик ёш қўшиқчи Суҳроб Кенжаевнинг номи айтилганда залда гулдирос қарсаклар бетўхтов давом этди ва Суҳробга "Булбул ушлаган бола" ҳайкалчасини ягона ғолиб сифатида тақдим этишди.

Мана шу тадбирда иштирок этган унинг отаси Муҳиддин ака ҳаяжонланиб, қуйидагиларни сўзлаб берди: "Ҳар бир инсонга, аввало, оталик бахти ва унинг ортидан боласининг камолини кўриш насиб қилсин экан. Суҳробжоннинг ўзга мамлакат танловида биринчи бўлиши менинг ва онасининг кўнглимизни тоғдек кўтарди. Саҳнада 3 та мукофот турар эди, бири "Булбулни ушлаб унга қараб хониш қилаётган бола" тасвир этилган ҳайкалча. Ғолиблар эълон қилингунга қадар бир ўй кўнглимдан ўтган эди: "қани эди, менинг Суҳробим ҳам мана шундай совринни қўлга киритса, майли, бу йил бўлмаса янаги йилга олар". Аммо орзуим тез рўёбга чиқди, фарзандимни ғолиб деб топдилар. Суҳроб совриндор бўлиш билан бирга шу йил 9 сентябрда Италияда бўлиб ўтадиган фестивалга қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди. Мен учун қувонарли ҳол — Белоруссия президенти Александр Лукашенко бизни ўз қабулига таклиф этди ва катта зиёфат уюштирди. Бу ҳолатни кўриб буюк Ўзбекистон фарзанди бўлганимдан, қолаверса фарзандимга берган тарбиям "ҳосили"дан жуда хурсанд бўлдим. Мен Ўзбекистон делегацияси номидан Белоруссия президентига ўзимизнинг ўзбек миллий либоси — чопон тақдим қилдим. Мен барча ота-онанинг мана шундай фарзанд бахти нашидасини суришларини истайман".

Мен унинг тилаган беғубор тилакларига қўшилган ва ҳавас қилган ҳолда қаҳрамонимиз Суҳробдан келгусидаги режалари ҳақида сўрадим. Унинг нияти келажакда янгиянги замонавий куйлар ёзиб, жарангдор, ёқимли куйлар ижро этиш экан. Унинг янги мухлислари қатори мен ҳам "Орзуларинг қанот ёйсин Суҳроб" дегим келди.

Мухтасар КАРИМОВА
Суратда: Суҳроб Кенжаев.

Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси "Имом ал-Бухорий сабоқлари" деб номланган маънавий-маърифий, илмий-адабий журналнинг илк сонини босмадан чиқарди.

Шу муносабат билан Миллий матбуот марказида журналнинг тақдимот маросими ўтказилди.

— Жамғарма ташкил этилганда журнал чиқариш ҳам кўзда тутилган бўлиб, янги нашр зиммасига халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавиятини янада камол топтириш, уларни диний-миллий қадриятларимиздан кенг баҳраманд этиш вазифаси юклатилганди, — дейди адабиётшунос олим-

МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАЛАРИ БИЛАН ОШНО ҚИЛАДИ

лар, дин уламолари ва журналистлар иштирок этган йиғинда журналнинг бош муҳаррири Зоҳидилло Мунавваров сўзга чиқиб. — Журналнинг мақсади, маънавиятимизнинг мустаҳкам илдизларидан бири бўлган диний қадриятларимиз билан замондошларимизни кенг ва чуқур таништириш, уларни кенг омма, хусусан, ёшларимиз томонидан соғлом идрок этилишига ҳисса қўшишдир.

Журнал саҳифаларида кўп асрлик миллий-диний қарашларимиз моҳияти, уларнинг истиқлол даврида халқимиз маънавияти ва маърифатини камол топтиришдаги ўрни, эзгу ишларимизни кўролмаётган ғаразгўй кучларнинг ёвуз ғояларини фош этиш билан боғлиқ мақолалар билан ўқувчиларни таништириб борамиз.

Муҳаррирнинг берган маълумотига кўра, янги ойнома саҳифаларида ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги янги маълумотлар ҳамда илмий тадқиқотлар, бадиий асарларга ҳам ўрин бериб борилади.

"Туркистон — пресс"

АНЖУМАНЛАРДА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

БУХОРОДА АНЪАНАВИЙ КЕНГАШ

Бухорода ўтказилаётган "Мактаблар куни" ўтган ўқув йили мобайнида таълим муассасалари билан кенг жамоатчилик, ота-оналар, маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари, ҳомийлар ўртасида ўзаро амалий ҳамкорликни кучайтиришда ўзига хос, муҳим восита бўлди. Бу таълим муассасаларида ислоҳотлар жараёнининг ҳар томонлама жадаллашувига салмоқли таъсир кўрсатди.

Мактабларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, таълим мазмунига эътибор кучайди. Шу йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида вилоят мактабларига 400 миллион сўмдан ортиқ ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Вилоят халқ таълими рейтинг кўрсаткичи бўйича Республикада энг юқори поғонага кўтарилди.

Бухоролик ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашида маъруза қилган вилоят ҳокими С.Ҳусенов ўтган ўқув йили мобайнида эришилган шу сингари бир қатор ижобий натижалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят ташкилотлари, таълим тизими барча бўғинлар раҳбарлари, тажрибали педагоглар иштирок этган бу нуфузли тадбирда ўтган ўқув йилида амалга оширилган ишларни қайд этиш билан бирга мавжуд муаммо ва камчиликларга эътибор қаратилди, уларни бартараф этиш юзасидан фикрлашилди.

Тадбир ниҳоясида вилоят ҳокимлиги томонидан "Мактаблар куни" якуни бўйича ғолибликка эришган Бухоро шаҳридаги 9-мактабга компьютер, Ғиждувондаги 16-мактабга 300 минг сўм, Ромитандаги 43-мактаб жамоасига 150 минг сўм пул мукофотларини топширилди. Вилоят ҳокими стипендиясига муносиб топилган 20 нафар ўқувчи номлари ҳам маълум қилинди.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

ЎТГАН ЎҚУВ ЙИЛИ САРҲИСОБИ

Пойтахтнинг Акмал Икромов тумани халқ таълими бўлимида ҳам анъанавий август анжумани ўтказилди. Анжуманни "Туманда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида"ги маърузаси билан Акмал Икромов тумани ҳокими Абулқосим Маҳмудов бошлаб берди. Шундан сўнг сўзга чиққан туман халқ таълими бўлими мудири Шукрулло Икромов 1999-2000 ўқув йили якуни ва 2000-2001 ўқув йилидаги вазифалар хусусида маъруза қилди. У ўтган ўқув йилидаги эришилган ютуқлар ва мавжуд камчиликлар ҳамда унинг таълим борасига қиладиган таъсири хусусида батафсил тўхталди.

Анжуманда Акмал Икромов тумани санитария-эпидемиология бўлими бош шифокори Абдуҳаким Саримсоқов таълим ва тарбиядаги саломатлик тўғрисида сўзлаган бўлса, "Катта Қаъни" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қобул Қодиров маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги хусусида гапирди. Шундан сўнг анжуман маърузалар бўйича музокаралар тарзида давом этди.

Анжуман сўнгида ўтган ўқув йилида эришган ютуқлари учун ўқитувчиларни мукофотлаш ҳамда 11 нафар ёш мутахассис ўқитувчиларнинг қасамёд қилиш маросимлари бўлди.

Шерали НИШОНОВ

ЖОМБОЙ МАЪРИФАТЧИЛАРИ БАЙРАМИ

Жомбой туман ўқитувчиларининг анъанавий анжуманида ҳам таълим ислоҳотларини янада чуқурлаштиришда туман халқ таълими ходимларининг вазифалари тўғрисида батафсил сўз юритилди.

Шунингдек, анжуманда кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун ҳомийлар томонидан дарсликлар сотиб олингани, жумладан, "Ҳақиқат" жамоа хўжалиги 200 минг сўмлик, "Зарафшон" жамоа хўжалиги 150 минг сўмлик, ҳомийлар ва ташкилотлар ёрдами билан туман мактаб ўқувчилари учун жами 116064 нусхада дарсликлар олиб берилгани мамнуният билан тилга олинди.

Эшмирза МАҲМУДОВ

МИЛЛИЙЛИККА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Туман, шаҳар ёки республика аҳамиятига молик анжуманларнинг ўтказилишида ўша даргоҳнинг қайсидир жиҳатлари инобатга олинади.

Тошкент шаҳридаги таълим рус тилида олиб бориладиган мактаб ўқитувчиларининг август кенгашлари шўъба йиғилишлари 61-мактабда ўтказилди. Ҳамза туманидаги бу мактабда рейтинг кўрсаткичлари анча юқори. Моддий-техника базаси ҳавас қиларли даражада. Бундан ташқари, шаҳар мактаб ўқувчилари олимпиадаси ғолибларидан 2 нафари шу даргоҳдан.

Анжуманда давлат таълим стандартлари асосида қайтадан тайёрланаётган дарсликлар хусусида сўз борди. Ўзбекистон мустақиллигига қадар юртимиздаги русийзабон мактаблар Москвадан чиқарилган дарсликлардан фойдаланар эди. Бугунги кунда эса бундай дарсликлар Ўзбекистон нашриётларида чиқарилмоқда.

Йиғилишда янги педагогик технологияларни жорий этиш, ўзбек адибларининг асарларини ўзаро боғлиқликда ўрганиш масаласи чуқур таҳлил этилган маърузалар муҳокама қилинди.

МУХБИРИМИЗ

ВАТАННИ СЕВМОҚ ФАРЗДИР

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашлари тумандаги Машинасозлар маданият саройида бўлиб ўтди. Унда халқ таълими фидойилари, илғор ўқитувчилар, меҳнат фахрийлари ва ёш мутахассислар иштирок этдилар.

Анжуманда сўз олган туман ҳокими вилоятимиз Баҳодир Садриддинов мамлакатимиз чегараларидаги нотинчлик, қишлоқ хўжалигида юз берган қурғоқчилик, таълимдаги узвийлик ҳақида гапира туриб, ёшларнинг ватанпарварлигига алоҳида тўхталди. "Биз, — деди у, — миллий армиямизга чақириқ масаласида қийналамиз, деб ўйлагандик. Лекин биз ёшларни билмас эканмиз. Улар Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сариосиё туманларидаги вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда ҳарбий комиссариатларга кўнгилли равишда ташриф буюришиб, ҳақиқий ватанпарварлик намуналарини кўрсатдилар".

Туман халқ таълими бўлими мудири муовини Ҳамида Аҳмаджонова эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Fidokor" газетаси мухбири саволларига жавобларидан келиб чиқадиган вазифаларга тўхталди.

Анжуманда илғор, фидоий ўқитувчиларга вазирлик, шаҳар, туман ХТБларининг мукофотлари ва фахрий ёрлиқлари билан биргаликда гуллар тақдим этилди.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

Мустақил Ўзбекистон мана шу ўтган 9 йил давомида сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий ислоҳотлар, янгиланиш йўлидан бориб, ўзимиз тасаввур этишимиз ҳам қийин бўлган улкан зафарларга эришди.

Ўзингизга ҳеч "Амир Темур давлатининг куч-қудрати нимада эди" деб савол берганмисиз? Менимча, бунинг бош сабаби фуқароларнинг бирдамлигида, ўрнатилган қонун-қоидаларга қатъий риоя этилганлигидадир.

ВАТАН! ЎЗБЕКИСТОН! ОНА!

Бу сўзлар нақадар азиз ва муқаддас. Бу сўзларни англаш, қалбдан ҳис қилиш, айни пайтда мазкур тушунчалар залворини нозик қалбларга тушунтира билиш машаққатли ва шарафли вазифадир.

Пойтахтнинг Юнусобод туманидаги 154-болалар боғчасига ташриф буюрганимизда, бу ерда республикамизнинг барча боғчаларида бўлаётгани каби жажжи ўғил-қизлар иштирокида Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллигига бағишлаб байрам ерталиги ўтказилаётган экан.

Шодиёнада "Биз аскармиз", "Бу бизнинг еримиз", "Қўғирчоқ, ўйинчоқ" қўшиқлари, Ватанни, Онани, Ўзбекистонни улуғловчи шеърлар, шўх рақслар ижро этилди, ўзбек, рус, инглиз тилларида саҳна кўринишлари намойиш қилинди.

Болалар боғчасида истиқлолга бағишланган байрам ерталиги йиллан-йилга ўзгариб, янгиланиб, бойитилган ҳолда ўтказилаётир. Мустақиллик, унинг рамзлари ҳақидаги тушунча кичкинтойларга ёш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда босқичма-босқич оддийдан мураккаб томон ўргатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси болаларга 3 ёшдан бошлаб ўргатиляпти. Катта гуруҳ болаларининг луғат бойлигини орттиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур гўшада 11 та гуруҳ мавжуд бўлиб, уларда 308 нафар жажжи ўғил-қиз тарбияланмоқда. 22 нафар тарбиячи (11 нафари махсус олий маълумотли) уларга мусиқий йўналиш бўйича таълим-тарбия бераётир.

— Бизнинг асосий мақсадимиз, — леди болалар боғчаси мудираси Шарифа Мирзааҳмедова, — ўсиб келаётган ёш авлодни истиқлол мафкураси руҳида тарбиялаш, уларни мактаб таълимига тайёрлаш, ўз Ватани, халқини севишга, табиатни муҳофаза қилиш, ҳайвонот дунёсини асрашга ўргатишдан иборат. Тажрибали, болажон тарбиячиларимиз мазкур вазифаларни амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилаётирлар.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш борасида дилбандлар масканида тилга олса арзирли талбирлар олиб борилаётир.

Болалар боғчаси 1-мусиқа мактаби билан ҳамкорлик ўрнатган. Бу ерда "Юлдузча" рақс ансамбли фаолият кўрсатмоқда.

Кичкинтойлар масканида "Эртак қаҳрамонлари" хиёбони ҳамда мини автодром майдончаси ташкил қилиш режалаштирилган. Болалар гулшанига "Нодирабегим" фирмаси, "Тошэлектртармоғи" ҳамда ота-оналар яқиндан ҳомийлик қиладилар.

Ҳа, мамлакатимизнинг мана шундай ибратли боғчаларида тарбияланаётган дилбандлар келгусида давлатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадиган жисмонан соғлом, маънан етук, баркамол инсонлар бўлиб вояга етишишлари табиий.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Суратда: (1-betda.) Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказилган байрам ерталигидан лавҳа.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ ҚАНДАЙ ЎТИЛАДИ?

Бу каби саволларга тўла жавоб бериш мақсадида Халқ таълими вазирлиги тавсиясига асосан Республика Таълим марказида "Мустақиллик одимлари" деб номланган мустақиллик дарслари бўйича методик қўлланма 5 минг нусхада чоп этилди. Кўп сонли муаллимларнинг истакларига биноан методик қўлланмани қисқартирган ҳолда беришга қарор қилдик. Устозу мураббийлар ундан ижодий фойдаланадилар, деган умиддамиз.

Умумий ўрта таълим мактабларининг барча синфларида янги ўқув йили — 2 сентябрь куни биринчи машғулот "Мустақиллик дарси"дан бошланади. Унда "Соғлом авлод йили"да амалга оширилаётган ишлар, миллий ғоя ва миллий мафкурамиз мазмуни, эришган ютуқларимиздан фахрланиш туйғуларини уйғотиш, Президент Ислом Каримовнинг 2000 йил 8 июндаги "Fidokor" газетаси мухбири саволларига "Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман" сўҳбатида берган жавобларидаги ғояларни ўқувчи-ёшлар қалбига сингдириш, шу билан бирга, бошқа маънавий-маърифий ишларга, таълим соҳасидаги ислоҳотларга асосий эътибор қаратилмоғи даркор. Шунингдек, "Мустақиллик дарси"ни ўтишда ўқувчиларнинг ёши ҳисобга олинган ҳолда қуйидаги асосий масалаларни ёритишга эътибор бериш тавсия қилинади:

1. Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши.
2. Ислом Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли асосчиси.
3. Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг яратилиши.
4. Иқтисодий ислоҳотларнинг самаралари.
5. Ўзбекистоннинг маънавий-маърифий ва маданий равнақи.
6. Миллий истиқлол мафкураси: моҳияти ва мақсадлари.
7. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви.

Сирасини айтганда 1991 йил 31 августдан эътиборан Ўзбекистон тарихида янги давр бошланди. Дунёда яна битта мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Мустақиллик тинч, демократик, парламент йўли билан қурбонларсиз, ижтимоий ларзаларсиз қўлга киритилди, умумхалқ томонидан якдиллик билан мақулланди. Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг улкан тарихий ғалабаси сифатида Ватанимиз тарихи зарварағидан унутилмас ўрин эгаллади.

Мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунлардаёқ, Ўзбекистон қандай тараққиёт йўлидан боради, қандай жамият, қандай давлат қуради, унинг қиёфаси қандай бўлади, деган саволлар кўндаланг турарди. Назарий ва илмий жиҳатдан пухта асосланган тўғри йўлни ишлаб чиқиш зарур эди.

Ватан, миллат тақдири ҳал бўлаётган мустақилликнинг дастлабки қалтис пайтида Президент Ислом Каримов ўзининг ҳаётий тажрибаси, бошидан кечирган аччиқ-чучук воқеалардан олган сабоқлари ва ҳар бир воқеага илмий асосда ёндошиш, узоқни ва келажакни кўра билиш қобилиятига таяниб, Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берди. Жаҳонда "Ўзбекча модел" деб эътироф этилган Ўзбекистон йўли, авваламбор, бозор иқтисодиёти асосида тараққий этган демократик тамойиллар қарор топган давлатлар тажрибасига таянади. Бу йўл ўзбек халқининг миллий хусусиятлари ва тарихий донишмандлигига таянган ҳолда ишлаб чиқилди. Янги йўл танлашда Ўзбекистоннинг айни пайтдаги шарт-шароитлари, имкониятлари ва табиий ресурслари асос қилиб олинди.

Президентимиз Ислом Каримов 1992 йилда нашр этилган ўзининг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" номли асарида Ўзбекистонда бунёд этиладиган жамият барча "изм"лардан холи бўлиши, у адолатли, халқчил, инсонпарвар жамият бўлмоғи лозим, деган қоидани илгари сурди. Шу боис ўқувчиларга Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлига асос қилиб олинган муҳим йўналишларини батафсил тушунтириш лозим.

Мустақил Ўзбекистон мана шу ўтган 9 йил давомида сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий ислоҳотлар, янгиланиш йўлидан бориб, ўзимиз тасаввур этишимиз ҳам қийин бўлган улкан зафарларга эришди. Мазкур тавсияларда берилган далилий материаллар ва маълумотлардан ўқитувчи ва тарбиячилар ижодий ёндошган ҳолда ва ўқувчининг ёшига мос равишда фойдаланиши лозим. Бунда мустақиллик йиллари Ўзбекистоннинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш, демократик давлат ва фуқаролар жамияти қуришда йўналтирилган чуқур сиёсий ислоҳотлар ўтказилганини, сиёсий ҳаётни тубдан ўзгартириш ишларининг кўламини англаш учун собиқ иттифоқдан, эски мустабид тузумдан қандай сиёсий мерос қолганини яна бир карра эслаш зарур бўлади.

Ўзбекистон миллий-ҳуқуқий давлат қурилишида халқаро тан олинган ҳуқуқий тамойиллар ва ривожланган демократик давлатлар тажрибасига таянди. Кўпминг йиллик ўзбек давлатчилиги тарихи ўзига хос маънавий-ахлоқий қадриятларга асосланди. Вакиллик ҳокимиятини вужудга келтиришнинг энг демократик тизими — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти барпо этилди. Давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими Президентлик — республика бошқаруви усули яратилди. Марказлаштирилган тартибда қайта тақсимлаш механизмидан бозор механизмига, қаттиқ маҳкамачилик ва маъмурий буйруқбозликдан ҳуқуқий бошқарувга, иқтисодий омиллар орқали ўзини-ўзи идора этишга ўтилди. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси Президент Ислом Каримов асарларида асослаб берилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг II-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I-сессиясида (2000 йил 22 январда) қилган "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз" мавзусидаги маърузасида мустақиллигимизнинг ўтган йилларда тўплаган тажрибаларимизни умумлаштириб, жамиятимизни янгилаш босқичида давлат ва жамият қурилишининг мақсадлари, олдинда турган муҳим вазифаларини аниқлаб берди. Дарсда ўқитувчи ана шу манбадан чуқур фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Мустақиллик йилларида иқтисодий ҳаётимизда рўй берган янгиланиш, туб ўзгаришларни ёритишга киришилар экан, аввало, эски мустабид тузумдан бизга қандай иқтисодиёт мерос бўлиб қолганини эслаш зарур. Ўзбекистон қарамлик даврида ўз табиий бойликлари, ер-сув, ўрмон ва бошқа ресурсларига ўзи эгалик қила олмасди, иқтисодий тараққиёт йўлини ўзи белгилай олмас эди. Республика ҳудудида қурилган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар марказга, унинг манфаатларига бўйсундирилган эди. Ўзбекистон раҳбарияти, халқи ўз ҳудудида қанча маҳсулот ишлаб чиқарилаётгани, улар қаерда реализация қилинаётгани ва қанча даромад келтираётганидан бехабар эди. Молия-кредит, банк сиёсати юритишда қарам эди, ўзининг миллий валютасига, валюта жамғармасига эга эмасди.

Айни кунда эса Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўз йўли ишлаб чиқилди. Бу йўлнинг асосий қоидалари Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли" номли асарида, республика парламентида қилган маъруза ва нутқларида, мамлакат парламенти қабул қилган қонунларда баён этиб берилган.

Бозор муносабатларига ўтишнинг "Ўзбекча модели" Президент Ислом Каримовнинг 5 тамойили сифатида нафақат республикамизда, шунингдек, жаҳон жамоатчилиги томонидан маъқулланди. Энг муҳими, халқимизнинг ўзи 5 тамойилни қабул қилди ва қўллаб-қувватлади. Аграр ислоҳотларга устуворлик берилди. Қишлоқда деҳқон-фермер хўжалигини шакллантиришга киришилди. Иқтисодиёт таркибидаги туб ўзгаришлар янги корхоналарнинг бунёд этилиши, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида самарали натижалар берди. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1999 йилда 1998 йилга нисбатан (105,8 фоиз) 106,1 фоизга ўсди. Ун ва ун маҳсулотлари, кийим-кечак, пойафзал, шакар ва қанд маҳсулотлари ишлаб чиқариш сезиларли даражада кўпайди.

Ислом Каримов 2000 йил январь ойида бўлиб ўтган II-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I-сессиясидаги маърузасида иқтисодий ислоҳотлар ўтган босқичларида эришилган ютуқларга якун ясаб, янги босқичда иқтисодиёт соҳасида олдинда турган вазифаларни асослаб берди. Шу боис ҳам олдимизда турган иқтисодиёт соҳасидаги вазифалар ҳақида ўқувчиларга тушунча бериш тавсия этилади.

Жамият маънавиятини юксалтириш Ўзбекистон тараққиётининг устувор йўналиши деб белгиланди. Бой маънавий меросимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Миллий маданиятимизга, жаҳон цивилизацияси тараққиётига ҳисса қўшган буюк боболаримиз Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Ал-Фаробий, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб аждодларимизнинг миллий ва маънавий мероси халқимизга қайтарилди. Ватанимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир ва бошқа халқ жигарбандларининг номи, иззат-икроми ва ҳурмати ўз жойига қўйилди, асарлари чоп этилди. Мустақиллик шарофати билан диний қадриятлар, диний эътиқод қайта тикланди.

Шу ўринда ўқитувчи миллий ғоя, миллий мафкурамизни ўқувчилар онгига сингдириш масаласига алоҳида эътибор бермоғи лозим. Бу масалада Ислом Каримовнинг "Fidokor" газетаси саволларига берган жавобларига таяниш тавсия этилади. Ўқувчиларга миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқиш масаласини жиддий тарзда кун тартибига қўйилиш сабабларини, уни ҳаётий эҳтиёж даражасига кўтараётган омилларини тушунтириш зарур. Мафкуравий бўшлиқ нима, нима учун мафкуравий бўшлиққа йўл қўйиш мумкин эмас, деган саволларни қўйиб, уларга пухта жавоб бериш зарур.

Миллий истиқлол мафкурасининг мақсадларини, йўналишларини тушунтиришда қуйидаги муқаддас туйғу ва тушунчаларга ўқувчилар эътиборини қаратиш зарур:

— Ватанга муҳаббат туйғуси;
— она тилига муҳаббат;
— миллий қадриятларга содиқлик;
— оила, аёл ва мафкура тушунчаларининг боғлиқлиги;
— маҳалла — жамият тотувлиги ва инсон тарбиясининг таянчи;
— муқаддас динимиз — Исломга соғлом муносабат;
— умуминсоний қадриятларга ҳурмат;
— миллий табиатимизга хос бўлган меҳр-оқибат, мурувват, андиша, шарму ҳаё, ибо-иффат каби фазилатларга таяниш.

Ўқувчиларга юртимиз тинчлигига хавф солаётган сиёсий ва диний экстремизм таҳдиди, унга қарши курашда миллий истиқлол мафкурасининг ўрни ва аҳамиятини тушунтириш лозим. Халқимизнинг донишмандлиги ва мустаҳкам иродаси мафкуравий таҳдидларни бартараф этишда асосий куч эканлиги ҳақида Президентимиз ишончини ўқувчиларга тушунтириш, улар онгига сингдириш лозим.

Шунингдек, дарсда Ўзбекистоннинг 1992 йил 2 мартда энг нуфузли халқаро ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ҳамда бошқа нуфузли ташкилотларга қабул қилинганини айтиб ўтиш жоиз.

Қисқаси, "Мустақиллик дарси"нинг мазмун-моҳияти ҳар бир ўғил-қизнинг қалбидан мустаҳкам ўрин олиши зарур.

ТУРКУМ КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

Газетамизнинг ўтган сонида "Воизга ёрдам" сарлавҳаси остида республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда "Маънавият" нашриёти томонидан туркум китоблар чоп этилганлигини маълум қилган эдик. Куни кеча республика Миллий матбуот марказида ана шу китобларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Маросимда Маънавият ва маърифат Кенгаши раҳбарлари, китоб муаллифлари, адабиётшунос олим ва ёзувчилар, ноширлар, шунингдек, бир гуруҳ миллий ғоя ва миллий мафкура тарғиботчилари иштирок этишди. Йиғилганлар "Воизга ёрдам" сериясида чоп этилган китоблар хусусида сўз юритишди.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

ДУНЁ КЎРИБ...

Яқинда Японияннинг TBS (кунчиқар юртнинг марказий каналларидан бири) телеканалида Ўзбекистонга бағишланган кўрсатув берилди. Қизиқарли ўйин тарзида ўтказилган кўрсатувда таниқли япон саънаткорлари, телевидение юлдузлари ҳам қатнашиб, турли саволларга ўз жавобларини топишга ҳаракат қилдилар.

Кўрсатув бошида мамлакатимиз ҳақида батафсил маълумот берилгач, пойтахтимиз Тошкентда қад ростлаган замонавий бинолар, Самарқанду Бухородаги кўҳна обидалар, Хивадаги Ичанқалъа ёдгорлиги видеолавҳаларда кўрсатилди. Кўрсатув иштирокчиларидан кимдир миллий ҳунармандчилигимиздан, кимдир саънатимиздан, яна кимдир шарқона бозорларимиздан кўпроқ завқланди. Қадимги Ипак йўлининг юрагида жойлашган, бугун эса кўркамлашиб, кучга тўлиб бораётган юртнинг эли қандай фазилатларга эга? Бугун тенглар ичра тенг бўлиб турган халқ руҳи қаердан куч олади?

Кўрсатув ташкилотчилари ана шу саволларга жавоб изладилар. Халқимизнинг буюк аждоди, саркарда ва давлат арбоби Амир Темурнинг тинчлик, озодлик, миллат равнақи учун амалга оширган буюк ишлари кўрсатувда алоҳида ҳикоя қилиб берилди. Чингизхон вайрон этган, тажовуз қилган юртни озод этган, фаровон этган шахс — Амир Темур сиймоси кўрсатув томошабинларининг юртимиз тарихи ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлишларига ёрдам берди. Очиғи, бу эҳтиром тасодиф эмас, балки олис юртда ҳам тинчликсевар, меҳнаткаш халқимизга бўлган ҳайрихоҳлик, дўстлик туйғуларининг ошиб бораётганлиги белгисидир. Дарсда бир домламиз "Японлар бугун фаровон яшаяпти, бу бизнинг бир япон миллати вакили сифатида ўзаро якдил, тотув, ғамхўр эканлигимиз сабабли" деб қолди. Шуларни тинглаб, она юртим Ўзбекистон ёдимга тушди. Келинг, оддий ҳақиқатни қайта эслаб олайлик. Гапнинг дангали шуки, Амир Темурдек аждодларимизни мустақиллик шарофати билан қайта танидик. Ўзингизга ҳеч "Амир Темур давлатининг куч-қудрати нимада эди?" деб савол берганмисиз? Менимча, бунинг бош сабаби фуқароларнинг бирдамлигида, ўрнатилган қонун-қоидаларга қатъий риоя этилганлигидадир. Зеро, ҳар қандай фуқаронинг бошидаги бир лаган тилла билан мамлакатнинг мағрибидан машриғигача қўрқмай бориши қонун-тартиботнинг кучини, одамларнинг бирбирига бўлган ишончини кўрсатмайдими?

Буюк аждодимизга кўрсатилган эҳтиром — бу бизнинг ўзлигимизга кўрсатилган эҳтиромдир. Бугун "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" деган шиор қалбимиздан чуқур ўрин олган. Шу сабабли, азалий миллий фазилатимиз бўлмиш бирдамлик, тотувлик бизга мангу меросдир.

Ойбек ҲАКИМОВ,
Японядаги Хосеи университети талабаси

БЎЛАЖАК ФУТБОЛ ЮЛДУЗЛАРИ

Бундан уч ой олдин Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви ва Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорлигида маҳаллаларда 11 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида футбол бўйича Республика биринчилиги ўтказишга қарор қилинган эди. Вилоятларда биринчи ўринни эгаллаган футбол жамоалари Тошкент шаҳрида учинчи босқич беллашувларини ўтказдилар. Ушбу қизиқарли беллашувлардан сўнг тўртта энг кучли жамоалар сони аниқланди. Булар: Тошкент шаҳри "Оқ мачит" жамоаси, Бухоронинг "Ёш куч", Қашқадарё вилояти вакиллари ва фарғоналик ёш футболчилар бўлди. Ниҳоят, 26 август куни "Пахтакор" марказий ўйингоҳида "Оқ мачит" ва "Ёш куч" жамоаларининг "Ёш куч" жамоаси финалгача етиб келишида жамоанинг бош мураббийси Усмон Жўраевнинг хизмати каттадир. "Оқ мачит" жамоасининг бу даражага етишида эса маҳалла раиси Абдулла Жумаев ва жамоа ҳомийлари ҳамда мураббийлари Баҳодир Муҳитдинов, Маҳмуджон Эшонжоновларнинг хизматлари беқиёсдир.

Шундай қилиб, ёш футболчилар ўртасидаги беллашув тугади, ғолиб жамоага олтин медаллар ва чемпионлик кубогини Республика маҳалла жамғармаси раиси Шуҳрат Жалилов топширди. Бундан ташқари, ҳар бир жамоага жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, ҳокимликлар, ҳомий ташкилотлар томонидан қимматбаҳо совғалар, тўплар, футбол формалари топширилди.

Бурҳон РИЗО

Суратларда: финал ўйинидан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти малака ошириш факультети бўйича қуйидаги ўринларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

I. Ижтимоий фанлар ва касбий тарбия кафедраси:
кафедра мудири (фан доктори, профессор)
профессор (фан доктори)
доцент (фан номзоди)
II. Педагогика ва психология кафедраси:
кафедра мудири (фан доктори, профессор)
профессор (фан доктори)
доцент (фан номзоди)
III. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимиуЬ методикаси кафедраси:
профессор (фан доктори)
доцент (фан номзоди)
катта ўқитувчи (фан номзоди)
IV. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини стандартлаштириш ва ахборотлаштириш:
кафедра мудири (фан доктори, профессор)
профессор (фан доктори)
доцент (фан номзоди)
V. Иқтисод ва менежмент кафедраси:
кафедра мудири (фан доктори, профессор)
профессор (фан доктори)
катта ўқитувчи (фан номзоди, олий тоифали ўқитувчи)
ассистент (олий маълумотли)



Ҳужжатлар эълон чиққандан сўнг 30 кун давомида қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ; 700000. Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 7-уй. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти.
Телефон: 136-23-27, телефакс: 136-22-12.

Барчангизни Мустақиллик байрами билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз!

Кун десангиз кундай мамлакатда,
Мен яшайман шундай мамлакатда!

Судралиб юрувчиларни шу тариқа истеъмол қилиш давом этаверса, улар бора-бора тамоман йўқолиб кетиши мумкин.

Istiqlol ilhomlari

ЎЗБЕКИСТОН ДЕГАН МАМЛАКАТДА

Мен яшайман қандай мамлакатда?
— Ой десангиз ойдай мамлакатда,
— Кун десангиз кундай мамлакатда,
— Мен яшайман шундай мамлакатда!

Лолазор бу тоғлар санъатнинг ўзи,
Тупроқ зар, сувлари шарбатнинг ўзи,
Йўллар гул, боғлар гул, жаннатнинг ўзи,
Сеҳр бордир кўркам мамлакатда!

Одамлар бир-бирин хушлаб севарлар,
Меҳмонга бахшида лутфу шевалар,
Ширин сўзга қиёс ширин мевалар,
Ўзбекистон деган мамлакатда.

Фахрга тўлган дил сафда борман дер,
Пахтакорман, ишчи, зиёкорман дер,
Толедан миннатдор, бахтиёрман дер,
Даври даврон кулган мамлакатда.

Бунёдкор, янгилик бунёд қилавер,
Сен Раззоқ, шукрона ижод қилавер,
Яна зафар истаб мурод қилавер,
Мақсадлари улкан мамлакатда.

Раззоқ ИБРОҲИМ,
Ҳазорасп туманидаги Улуғбек номли мактаб ўқитувчиси

ОНА ЮРТ

Юртим, сен дўстига меҳри малҳам дил,
Ғанимига қаҳри қилич бўлган қалб.
Сен Амир Темурсан ёвни топтаган,
Ору номус талаб, имон, эрк талаб.

Сен ўзбек шаъни деб неча бор ёниб,
Неча бор қоврилган шикаста жонсан.
Лекин фахрлангум сен даҳоларнинг
Бешигин тебратган Ўзбекистонсан.

Бугун ўтар экан дунё оралаб,
Сарбонинг дастида карвонинг яна.
Руҳингда барқ уриб маънавиятнинг
Ҳаётбахш кучлари қилар тантана.

Беруний юрти деб, Сино юрти деб,
Дунё қўлларини сенга чўзган дам.
Қўли қадоқ юртим ғурур ўтидан,
Кўзимда ёнади бир жуфт ёркин шам.

Истиқлол нуридан сенинг шаънингга,
Ҳар тонг қуёш кўкда тикларкан ялов.
Сенинг меҳринг бўлиб менинг қонимда,
Оёққа қалқади муқаддас олов.

Барот ЯРАШ

ИСТИҚЛОЛ МУБОРАК

(Қўшиқ)

Аллоҳим тупроғинг севиб-сийлаган,
Ҳумо қуш юртингни ошён айлаган,
Боғингда булбулинг эркни куйлаган,
Истиқлол, эрк-бахтинг муборак халқим,
Асал-бол, аҳд-тахтинг муборак халқим.

Йўлингда тўсиқлар, ғовлар бузилган,
Дилдаги-тилдаги кишан узилган,
Янокда севинчдан ёшлар тизилган,
Истиқлол, эрк-бахтинг муборак халқим,
Асал-бол, аҳд-тахтинг муборак халқим,

Келажак иқболи аниқ бор бўлган,
Ўзлигин унутиш уят-ор бўлган,
Солижон қалбига худо ёр бўлган.
Истиқлол, эрк-бахтинг муборак халқим,
Асал-бол, аҳд-тахтинг, муборак халқим,

Барчину Алпомиш элингга қайтган,
Минг йиллик достонинг дилингга қайтган,
Булбулинг соғиниб гулингга қайтган,
Истиқлол, эрк-бахтинг муборак халқим,
Асал-бол, аҳд-тахтинг муборак халқим,

Солижон ХУДОЁРОВ

ЮРТ СОҒИНЧИ

Азиз юртим, эллар кездим, олам кездим,
Лек ўзимни ҳур бағрингда бордек сездим.
Қайда бўлмай кўрк-жамолинг дилда чиздим,
Сендан айри юрмоқликдан тезда бездим.
Айланайин, соғинтирган меҳрингдан-а,
Ўргилайин, суюнтирган сеҳрингдан-а.

Она юртим, сенга бўлсин жоним фидо,
Қайча бормай наволаринг берди садо.
Қанча кезмай севинчларим мунгли гадо,
Соғинчлардан юрак-бағрим бўлди адо.
Айланайин, туркий ширин тилингдан-а,
Ўргилайин, ой жамолу кўркингдан-а.

Ҳурриятни Тангрим сенга этди ато,
Халқинг учун сен муқаддас юртсан танҳо.
Сенга ғаним бўлган одам топгай жафо,
Чин фарзандинг сенга қилгай доим вафо.
Жоним садқа юртим қадди-бўйингга-ей,
Дилдан куйлаш ярашади тўйингга-ей.

Саид РАВШАН

ЎҚУВЧИЛАРИМГА

Тўмарисдан сўзлаб, сизга энтикиб,
Айтаман Широқнинг матонатини.
Сиз-чи, менга чақноқ кўзингиз тикиб,
Тинглайсиз авлодлар жасоратини.
Исёнкор Чўлпоннинг қони бор десам,
Жажжи бошингизни баланд тутарсиз.
Сиз элимнинг сара ҳисларини ҳам
Яна Бобур бўлиб олиб ўтарсиз.
Сиз эрта Темури, эркнинг посбони,
Қараши Алпомиш нигоҳли укам.
Сиз собит заминнинг оппоқ осмони,
Оппоқ орзулари баҳору кўклам.

Гулчеҳра МАНСУРОВА,
Қизилтепа туманидаги 37-мактаб ўқитувчиси

ДЎСТЛАРИМ

Энг азизу мукаррам,
Сирдошим асли онам.
Дилимга туташ ҳамдам,
Биринчи муаллимам.
Биз ўшанда ёш эдик
Дўстлар билан боғчада,
Кичик сайлгоҳчада
Қувнаб-қувнаб ўйнардик,
Ўйинчоққа суйнардик.
Ўсдик мана кундан-кун,
Орзумиз йўли узун.
Илм олсак дил-дилдан,
Эзгулик илм билан.
Дўстлар бўлсак жамул жам,
Яшаймиз шоду хуррам.
Соғинаман барчасин,
Улар қалбим парчаси.

Нодира НОРТОЕВА,
Паркент туманидаги, 11-мактабнинг 5-синф ўқувчиси

"ЎЗБЕКИСТОНИМ" ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



Ёй бўйича ўнгга: 1. Катта ашула ва лирик қўшиқлар ижрочиси, устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ ҳофизи. 2. Инсоннинг билим ва онгини оширишга қаратилган фаолият мажмуи. 3. Қорақалпоқ мумтоз шоири, "Омонгелди" асари муаллифи. 4. Ўзбек ҳуқуқшунос олимларидан бири. 5. Лирик қўшиқлар, ғазаллар муаллифи бўлган шоирларимиздан бири. 6. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг шеърий тўплами. 7. "Ўткан кунлар" фильми қаҳрамони. 8. Мамлакатимиздаги мармар кони.

Ёйлар бўйича чапга: 1. Ўзбекистон Қаҳрамони олий нишонига сазовор бўлган ҳайдовчи, бинокор. 2. Заргарлик буюми, тақинчоқ. 3. "Алпомиш" достони қаҳрамони. 4. Халқаро Ўзбекистон экология ва саломатлик жамғармаси. 5. Анталияда ўтказилган кураш бўйича жаҳон биринчилиги чемпиони бўлган спортчиларимиздан бири. 6. Қалб ҳарорати билан иситилган ҳароратли мазмундаги китобий атама. 7. Таниқли физик олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби. 8. "Тоҳир ва Зуҳра" фильми режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

Ёй бўйича: 9. Бақувват, баҳодир инсон. 10. Ўзбек мумтоз ғазалнавис шоираси. 11. Миллий нон тури. 12. Атоқли олим, адиб Абдурауф Фитрат меросига мансуб саҳна асарларидан бири. 13. Меҳнат қилиб чарчашни билмайдиган кишига бериладиган сифат. 14. Ўзбек шоири Алишер Навоий достонларининг насрий баёни, Муллатўйчи Тошмуҳамедовга бағишланган баёзлар нашри муаллифи. 15. Бу йил таваллудига юз йил тўлган ўзбек шоири, ҳажвий асарлар устаси. 16. Куй, оҳанг.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1. Ўзбекистон Қаҳрамони, устоз муаллим — 1, 12, 8, 2, 7, 4, 13, 2.
2. Давлат рамзларидан бири — 8, 2, 3, 9, 1, 11.
3. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон қаламига мансуб оташин шеър — 16, 2, 5, 10.
4. Ўзбек халқ достони — 6, 13, 14, 2, 5, 1.
5. Оловкорлар шаҳри — 18, 2, 17, 5, 1.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очқич жавоблар асосида мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Улардан шоир Саъдулла Ҳакимнинг "Ватан" шеъридан тўрт мисрани билиб олишга муваффақ бўласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

КУТУБХОНАДАГИ УЧРАШУВ

Гулистон шаҳридаги вилоят кутубхонасида "Қизил ярим ой" жамғармаси, вилоят прократураси ҳамкорликда "Қизил ярим ой" жамияти фаолияти мавзусида катта тадбир ўтказилди. Тадбирда вилоятнинг прокуратура, суд ходимлари ва халқ таълимидан масъуллар иштирок этди. Иштирокчиларга "Халқаро қизил ярим ой" жамиятининг вазифалари, олиб бораётган фаолиятини тасвирловчи видеофильмлар намойиш этилди ва жамият фаолиятини акс эттирувчи "Бир ғоя тарихи" китобчаси ва турли плакатлар тарқатилди. Ушбу анжумандан асосий мақсад — вилоятда "Қизил ярим ой" жамияти фаолиятини янада яхши йўлга қўйиш, унинг келажакдаги амалга оширажак ишларига сидқидилдан ёндашиш эди.

ЭКОЛОГИК ФЕСТИВАЛЬ

Ўзбекистон мустақиллигининг 9 йиллигига бағишлаб «Экология ва саломатлик» мавзуида экологик фестиваль бўлиб ўтди. Ушбу фестивалда кенг жамоатчилик, вилоятнинг барча муассаса, корхоналари, "Экосан" жамғармаси, шоир, ёзувчилар, маданият ва санъат вакиллари иштирок этдилар. Шу куни шаҳар маданият уйи ҳамкорлари, "Ўзбекнаво" ГКБси вилоят бўлими, "Ўзбекрақс" вилоят бўлими санъаткорлари катта концерт дастурини намойиш қилдилар.

Мухтасархон КАРИМОВА

QUTLOV

Қадрли ва муҳтарам ҳамкасбимиз,
азиз устоз Нозимахон Жўрабой қизи ТОЖИБОЕВА!
Сизни таваллуд топган кунингиз ва Мустақиллик байрами билан самимий табриклаймиз.
Яккасарой тумани ХТБдаги методистликдек масъулиятли ишингизга унум, оилангизга эса бахт, иқбол ва тотувлик тилаб қоламиз.

Сизга ҳурмат билан,
127-мактаб жамоаси

CURRICULUM RESOURCE CENTER

Announces Fall 2000 Sessions

organized in cooperation with the Departments and Programs
of the Central European University

Applicants for CRC Sessions must:

Be **university teachers and/or professionals (who teach part-time) in the Social Sciences and Humanities** from the region who are preparing new or revising previously taught courses;
Have **sufficient English** language ability to participate in discussions and use resource materials;
Submit an **application with all accompanying required documents** as stated on the CRC application form.
All costs related to transportation and accommodation during the sessions will be covered by CRC.
Curriculum DevelopmentProgram application, visiting session schedule and further information on the center's outreach activities and resources may be obtained from the CRC office at the Central European University or through national Soros Foundations.

MAILING ADDRESS:

Curriculum Resource Center (CRC)/Central European University
Nador utca 9, H -1051 Budapest, Hungary;
Tel: ++ (36 - 1) 327 3189 or 327 3000; Fax: ++ (36 -1) 327 3190
E-mail: crc@ceu.hu; WWW address: http://www.ceu.hu/crc/

Non-Discrimination Policy

Central European University does not discriminate on the basis of — including, but not limited to — race, color, national and ethnic origin, religion, gender or sexual orientation in administering its educational policies, admissions policies, scholarship and loan programs, and athletic and other school-administered programs.

Schedule of CRC Sessions

1 September 2000
IS THE APPLICATION DEADLINE FOR THE FOLLOWING SESSIONS
Medieval Studies: 2 — 8 October 2000
Session will focus on **Early Renaissance in Central Europe**

Gender and Culture: 16 — 22 October 2000
Session will focus on **Sociology of Gender**

25 September 2000
IS THE APPLICATION DEADLINE FOR THE FOLLOWING SESSIONS

International Relations and European Studies: 6 — 12 November 2000
Session will focus on **EU Enlargement**
International Management Center: 6 — 12 November 2000
Session will focus on **International Business and Globalization**
History: 13 — 19 November 2000
Session will focus on **Comparative Historiography**

10 October 2000
IS THE APPLICATION DEADLINE FOR THE FOLLOWING SESSIONS

Media Studies: 27 November — 3 December 2000
Session will focus on **Media and National Identity**
Economics: 27 November — 3 December 2000
Session will focus on **Economies of Transition**
Environmental Sciences and Policy: 4 — 10 December 2000
Session will focus on **Environmental Problems of the Countryside**

Xullas...

МЕҲРГА НАФРАТ

Ҳаётда ҳамма вақт ҳам яхшиликка яхшилик қайтмагани сингари, меҳрга акс-садо сифатида баъзан нафрат қайтар экан. Бунинг исботи сифатидаги воқеа Иваново деган томонларда кузатилди.

Савдо фирмаларидан бирининг ходимлари тоғ ён-бағирларидан айиқ-полвонни топиб келишди. Бўш вақт учун эрмак керак-да...

Қафасга солинган йиртқич қўшни фирма ходимларига ҳам мўъжиза бўлиб туюла бошлади. Улардан бири айиқ қамалган панжарадан қўлини суқиб, шишада лимонад узатди. Ўз "оёғи" билан келган ўлжага човут солган айиқ идиш тугул ҳалиги одамнинг қўлини ҳам ямлаб ютиб юбораёзди. Қичқириқ, бақир-чақир...

"Ўлжа"ни бир амаллаб айиқдан ажратдилар-да, шифохонага келтиришди. Шифокорларнинг таъкидлашига қараганда, йигит энди бир умр ногирон бўлиб қолади...

ҲУКУМАТ ИЛОНХЎРЛАРГА ҚАРШИ

Қадим-қадимдан Жануби-шарқий Осиёда илонни таом сифатида истеъмол қилиш кенг тарқалган ва ҳозирги кунда ҳам улар энг таниқ таомлар сирасига киради. Илонлар қанча баҳога пулланмасин, харидорлар сероб.

Маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, илон заҳри саратон касаллигини даволовчи восита бўлгани учун унга эҳтиёж катта. Вьетнам бозорларида илонларнинг турли-туманини учратиш мумкин. Энг харидоргири баҳайбат питонлардир. Агар харидор ёки хўранда бозорда илонни танлаб, сўйиб беришини илтимос қилса, унинг истаги муҳайё этилади. Ахир, илонларга ҳамма ҳам яқинлаша олмайди-да.

Индонезия ҳукумати илонхўрларнинг кўпайиб кетганидан қаттиқ хавотирда. Судралиб юрувчиларни шу тариқа истеъмол қилиш давом этаверса, улар бора-бора тамоман йўқолиб кетиши мумкин. Шу боис ҳукумат раҳбарлари ҳайвоннинг бу турини овлаш ва истеъмол қилишга қарши чоратадбирлар устида бош қотирмоқда, деб хабар беради немис газетаси "Вельттам зонттаг".

ЖИРАФАЛАРНИНГ ЭРКАЛИГИ

Германиянинг Ганновер ва Гамбург шаҳарлари оралиғида улкан ҳайвонот боғида минглаб жониворлар "истиқомат" қилишади. Яқин атрофда, чамаси 10-15 километр масофада машина ҳайдаб кетаётган кишилар рулдан тушмай туриб ҳам узун бўйинли жирафаларни томоша қилишлари мумкин. Жирафалар бемалол уларнинг машиналари ойнасидан бош суқиб, ҳайдовчиларга эркалик қилишади.

ana shunaqa gaplar...

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси вазирлик марказий аппарати масъул ходими Я.У.Мустапақуловга онаси **МАХФИРАТ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Нурлан УСМОНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-717. Тиражи 19.706.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 19.30.